

## САБЗИ КОВЛАГИЧ МАШИНАСИННИГ ҚАЗИШ ЛЕМЕХИНИНГ ЭНИ ВА УЗУНЛИГИНИ АСОСЛАШ

**Норчаев Даврон Рустамович,**

*ҚХМИТИ директор ўринбосари, проф*

**Қўзиев Шахзод Серобович,**

*Қаршии ишригация ва агротехнологиялар институти “Умумтехник фанлар” кафедраси катта ўқитувчилари*

**Ҳайитов Бобур Комилович,**

*Қаршии ишригация ва агротехнологиялар институти “Умумтехник фанлар” кафедраси катта ўқитувчилари*

---

### ARTICLE INFO.

---

**Калит сўzlари:** сабзи, пушта, илдиз мева, параметр, юза, намлик, қаттиқлик, зичлик, лемехлар, дисклар.

### Аннотация

Ушбу мақолада сабзи ковлагич машинасининг ламехлари тўғрисида маълумотлар келтирилган. Лемехларининг эни уларнинг икки ёнига ўрнатилган дисклар орасидаги масофа энидан келиб чиқсан холда танланади. Бунда дисклар пуштанинг сабзи уяси жойлашган қисмини киркиб кетиши ва ундан сўнг қазиши лемехлари шу уяни ковлаб олиш шартидан топилади.

---

<http://www.gospodarkainnowacje.pl> © 2023 LWAB.

---

**Кириш.** Республикашим шароитида сабзи ва унинг пуштасини физик-механик хоссаларини ўрганиш ёзги (эртачи) ва қузги (кечки) мавсумларда сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий тадқиқот институти тажриба хўжалигиди, Тошкент вилоятининг Янгийўл туманида сабзини пуштаси ҳамда чуқурлик ўлчамлари ўрганилди. Сабзи пуштаси шаклининг кўндаланг юзасини аниқлаш учун унинг кўндаланг профили бўйлаб қирқиб олинади, профиломер ёрдамида 50-каррали тақорорийлик билан тадқиқ этилди. [1]

**Тадқиқот обьекти ва услуби.** Сабзи пуштаси ва унинг қатор ораси тупроғининг қаттиқлиги, намлиги ва зичлигини 0-25 см оралиқ чуқурликда ҳар 5 см да ўрганилди. Сабзи пуштасининг қаттиқлиги Горячкин твердомери орқали аниқланди (1-расм). Тажриба синовлари ёз ва куз фаслларида ўтказилди. Сабзи пуштаси ва унинг қатор ораси тупроғининг қаттиқлиги, намлиги ва зичлигини аниқлаш бўйича олинган натижалар келтирилган. Сабзи пуштасининг тупроқ намлигини аниқлашда тупроқ махсус алюмин идишларга солиниб, тарозида тортилди. Тарозида ўлчанган тупроқ намуналари қуритиш учун махсус печда 8 соат қуритилиб, қайтадан тарозида тортилди. Тарозида тортилган тупроқ намуналарнинг оғирликлари фарқига кўра, тупроқ намлиги фоизда хисобланди.



**1-расм. Сабзи пуштасининг қаттиқлиги бўйича профили ва қисмлари**

Дисклар орасидаги масофадан секцияли қазиш лемехларининг эни кичик бўлиши лозим.

Дисклар орасидаги масофа қуйидаги ифода орқали аниқланади [87; 53-б.]

$$B_o \geq \left( \frac{B_{io} + B_n}{2} + 3\sigma + 2\tau \right), \quad (1)$$

бунда  $B_{io}$  – сабзи пуштасининг юқори асоси, м;

$B_n$  – сабзи пуштасининг пастки асоси, м;

$\sigma$  – илдиз-мева уясининг ўртача квадратик оғиши, м;

$\tau$  – машинанинг горизонтал ён томонга оғиши, м.

Юқоридаги (1) формулага  $B_{io}=20$  см ва  $B_n=55$  см,  $\delta=2$  см,  $\tau=5$  см эканлигини ҳисобга олиб дисклар орасидаги масофа  $B_o \geq 53,0$  см шарти келиб чиқади.

Ҳар бир секцияли лемехнинг сони ва эни сабзи уруғларини пуштада қаторлаб экилган схемасига боғлик. Яъни ҳар бир секцияли лемех бир қатор тасма шаклида экилган сабзи илдиз-меваларини ковлаб олиши лозим. Сабзи асосан республикамиз шароитида 70 см энига эга бўлган пуштага қатор ораси 15 см этиб экиласди. Бунда тасмалар сони 3 донани ташкил этади. Бундан маълум бўладики, 3 қатор сабзи илдиз-меваларни ковлаш учун секцияли қазиш лемехлари ҳар бир пуштада 3 донани ташкил этади. Шунга кўра, юқорида дисклар ораси 53 см эканлигидан келиб чиқиб ва сабзининг энг кичик диаметрини  $b_n=3$  см ҳисобга олиб, 3 дона лемехнинг энини аниқлаш мумкин.

Бу қуйидаги шарт орқали аниқланади

$$B_o \geq \frac{B_d - 4b_n}{3}. \quad (2)$$

(2) ифодага  $b_n=3$  см ва  $B_d=53$  см қийматларни қўйиб, бир дона секцияли лемехнинг эни  $B_o=13,6$  см дан кичик ёки teng бўлишини аниқлаймиз.

Олиб борилган адабиётлар тахлилига кўра, лемех тумшук қисмининг очилиш бурчаги қиймати қуйидаги шарт орқали топилади

$$\gamma \langle 2(90 - \varphi) \rangle, \quad (3)$$

бунда  $\varphi$  – ўсимлик илдизларининг лемех тифига нисбатан ишқаланиш бурчаги  $\varphi$  нинг қиймати

40-50<sup>0</sup> га тенг.

(3) формулага биноан, лемех түмшүғининг очилиш бурчагининг ўртача қийматини 90<sup>0</sup> деб қабул қилиб олишимиз мумкин.

Юқоридаги (3) формуладаги лемех түмшүғининг очилиш бурчаги қийматини 90<sup>0</sup> эканлигини ҳисобга олиб, лемех түмшүқ қисмини тенг ёнли түғри бурчакли учбурчак деб билган ҳолда, лемехнинг узунлиги қуидаги ифода орқали аниқланади

$$L_n = L_1 + L_2, \quad (4)$$

бунда  $L_1, L_2$  – лемехнинг кичик ва катта узунлиги, м.

Лемехнинг  $L_1$  қисми пуштада жойлашган сабзининг энг катта диаметрдаги ўз навбатида қуидаги ифода орқали аниқланади

$$L_1 = \frac{h_f}{\sin \alpha_1}, \quad (5)$$

бунда  $h_f$  – сабзи илдиз-мевасининг пуштада тикка нисбатан жойлашиш чуқурлигини ўртача квадратик оғиши, м.

Тажрибалар асосида ўтказилган натижаларга кўра, сабзи илдиз-мевасининг тикка нисбатан ўртача квадратик оғиши  $h_f = 2$  см ва сабзининг энг катта диаметрини  $d_c = 6,5$  см га тенг бўлишилигини ҳисобга олиб, яъни тик ҳолатда пуштада турган сабзи илдиз-мевасини тўлиқ тупроққа ботиб ковлаш имкони бериш учун лемехнинг  $L_1$  қисмини узунлиги 6,5 смдан катта бўлиши лозим.

$\alpha_1$  бурчакни топиш учун сабзининг диаметри  $d_c = 6,5$  см ва сабзи илдиз-мевасининг тикка нисбатан ўртача квадратик оғиши  $h_f = 2$  см эканлигини ҳисобга олиб, қуидаги ифода орқали қийматини топишимиз мумкин

$$\operatorname{ctg} \alpha_1 = \frac{d_c}{h_f}. \quad (6)$$

(6) ифодага сабзининг диаметри  $d_c = 6,5$  см ва сабзи илдиз-мевасининг тикка нисбатан ўртача квадратик оғиши  $h_f = 2$  см қийматларини қўйиб,  $\alpha_1 = 18^0$  тенг бўлиши аниқланди.

$\alpha_1$  бурчакнинг қийматини (5) ифодага қўйиб, лемехнинг  $L_1$  қисмини узунлиги қийматини  $L_1 = 6,85$  см эканилигини топамиз.

Лемехнинг  $L_2$  қисми узунлигини қуидаги ифода орқали аниқлаймиз

$$L_2 = \frac{h_f + h_{\hat{y}pm}}{\sin \alpha_2}, \quad (7)$$

$h_{\hat{y}pm}$  – сабзи пуштасининг ўртача баландлиги, м.

$\sin \alpha_2$  нинг қийматини тупроқ палахсасини лемех юзасида кам ишқаланиш шартидан келиб чиқиб, илгари ўтказилган адабиётлар асосида 24-26 градус деб қабул қиласиз.

(7) ифодага юқорида аниқланган қийматларни қўйиб,  $L_2 = 45-50$  см эканлиги келиб чиқади.


(4) ифодага  $L_1$  ва  $L_2$  қийматларини қўйиб,  $L_n = 52-57$  см эканлигини аниқлаймиз.

Адабиётлардан маълумки, илдиз-мева йиғишириш машиналарининг лемехларини икки ёқли

пона деб қараш ҳамда унинг тортишга умумий қаршилигини қўйидагича ифодалаш мумкин [2, 3, 4]

$$R = R_m + R_o + R_k + R_{uh}, \quad (8)$$

бунда  $R$  – лемехнинг тортишга умумий қаршилиги;  $R_m$  – лемех тифи тупроқни кесишидан ҳосил бўладиган қаршилик;  $R_o$  – тупроқни лемех орқали деформациялашидан ҳосил бўладиган қаршилик;  $R_k$  – тупроқни лемехнинг сирти бўйлаб кўчиши ва қўтарилишидан ҳосил бўладиган қаршилик;  $R_{uh}$  – тупроқнинг инерция кучидан ҳосил бўладиган қаршилик.




**2-расм. Лемехнинг тупроқ қатламини кесишида унга таъсир этадиган кучларнинг схемаси**

**Тахлил ва натижалар.** Республикаизда сабзи етиштирадиган фермер хўжаликлари кичик контурли далалардан иборат бўлиб, уни йиғиштириш жараёни механизациялашмаган. Бундан ташқари сабзи республикаизда икки мавсумда етиштирилади. Яъни ёз ва куз мавсумларида йиғиштирилади. Бу даврда тупроқ иқлим шароити турлича бўлади. Шунинг учун бу далалarda сабзи йиғиштириш машиналарини қўллаш мақсадга мувофиқ эмас. Чунки йиғиштириш машиналари 35-40 гектар майдондан катта бўлган далаларга мўлжалланган. Юқоридагилардан келиб чиқиб, республикаиз шароитида ковлагичларни қўллаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Биз томонимиздан таклиф этилаётган комбинациялашган сабзи ковлагичнинг қазиш лемехларини такомиллаштиришда, уларнинг пуштаси тупроғининг физик-механик хоссалари ҳисобга олинган бўлиб, бунда лемехларнинг ўлчамлари илдиз-мева пуштасининг керакли бўлган қисмини қазиб олишга мўлжалланган ва унга мос равища ихчамлаштирилган ҳамда секцияли қилиб ишлаб чиқилган.

Сабзи ковлагич машинаси лемехининг эгат тубига нисбатан ўрнатилиш, яъни тупроққа кириш бурчаклари  $\alpha_1$  ва  $\alpha_2$ , лемех тумшук қисмининг очилиш бурчаги  $\gamma$  ҳамда узунликлари  $L_1$  ва  $L_2$ , эни  $B_l$  лар унинг асосий параметрлари ҳисобланади (2-расм).



a) – комбинациялашган қазиш лемехининг ён кўриниши; б) – олд кўриниши

**3-расм. Лемехни горизонтга нисбатан ўрнатилиш бурчагини аниқлаш схемаси**

## Хулоса ва таклифлар

Сабзи ковлагич қазиши иши органи параметрларини асослаш бўйича ўтказилган назарий тадқиқотлар натижасида, сабзи ковлагичнинг энергия-ресурсстежсамкор қазиши иши органи конструкциясини ишилаб чиқиши учун сабзи туштасининг физик-механик хоссаларини ҳисобга олиб, сабзини тўлиқ ковлаш имконини берадиган секцияли лемех узунлиги ва икки ёнбоши дискларнинг мақбул параметрларини асослаш имконини беради. Сабзини кам шикастлаган ҳолда тўлиқ ковлаш олишини таъминлаши учун секцияли лемехнинг узунлиги-тупроқ массасини интенсив уваланиши ва лемехдан келаётган аралашмани элеватор юқори қисмига узатишни учун панжали битернинг умумий диаметри  $D_b=29$  см дан кичик бўлмаслиги, панжали битер эни  $B_p \geq 0,47$  м, битер панжасининг эни  $b_p=0,09$  м дан кичик бўлмаслиги, битер панжалари сони бир секцияда 4 донадан кам бўлмаслиги, панжали битернинг айланши тезлиги  $V_p=2,5$  м/с, кинематик режими 2,5 бўлиши лозим.

## АДАБИЁТЛАР

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 11-maydagi PQ-4709-son «Respublika xududlarini qishloq xo‘jaligi mahsulotlari yetishtirishga ixtisoslashtirish bo‘yicha qo‘srimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida»gi qarori.
2. Norchayev R., Norchayev D., Norchayev J., Rustamova N. Ildizmevalarni yig‘ishtirish mashinalarining konstruksiyasi va nazariyasi. – Toshkent: “Fan va texnologiya” MCHJ, 2019. – 104 b.
3. Борычев С.Н. Исследования процесса изменения размерно-массовых свойств картофеля на усовершенствованном картофелекопателе КСТ-1,4 // Сб. материалов Международной научно-практической конференции в ФГОУ ВПО МГАУ. – 2007. – С. 140– 143.
4. Байбобоев Н.Г. Оптимизация параметров опорно-копирующего устройства картофелеборочного комбайна Вестник РГАТУ. – Рязань, 2015. – №4(28). – С.45-48.
5. <https://glotr.uz/traktor-ttz-812-p391532/>